

e-mail: info@uzairways.com
tel: +998 (78) 140-46-23
fax: +998 (71) 236-75-00



UZBEKISTAN
airways

www.uzairways.com

Aksiyadorlik jamiyati | Joint-Stock Company

2025 y. «05». 01 № 7.3/120

**“Uzbekistan Airways” АЖДа 2025 йил якунлари бўйича
коррупцияга қарши курашиш хизматининг амалга оширилган ишлар
юзасидан
ҲИСОБОТ**

“Uzbekistan Airways” Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда – жамият деб юритилади) тизимида Коррупцияга қарши ички назорат хизмати “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши томонидан 2025 йил 19 июл кундаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланиб Коррупцияга қарши ички назорат тизими ташкил этилган. Коррупцияга қарши ички назорат хизмати унинг асосий вазифа ва функциялари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Коррупцияга қарши ички назорат хизмати Давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган Қонун ва Қарорлар ҳамда Жамият раиси томонидан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар асосида амалга оширилиб борилмоқда.

Жамиятда Коррупцияга қарши ички назорат хизмати лавозимлари штат жадвали бўйича 2 та лавозимдан иборат бўлиб шу билан бирга Комплаенс-назорат хизмати лавозимлари штат жадвали бўйича 3 та лавозимлардан иборат бўлиб. Шулардан, Комплаенс-назорат хизматида 1 та Хизмат бошлиғи лавозим вақант хисобланиб, 2 та лавозимда мутахассислар ўз иш фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги ПҚ 5177-сон Қарори талаблари асосида Жамият томонидан Коррупцияга қарши ички назорат хизмати мавжуд вақант лавозимларни тўлдириш мақсадида Жамиятнинг расмий сайти орқали эълон берилиб, 2025 йил 19 феврал кунда Коррупцияга қарши ички назорат хизмати бошлиғи лавозимига танлов ўтказилди. Танловда жами 8 нафар номзодлар иштирок этишди. Танлов комиссия аъзоларини қарорига асосан Абдуллин Руслан Рашидович номзоди тасдиқланди. “Uzbekistan airways”АЖ Бошқарув раисининг 2025 йил 14 май кундаги 372/SH-сонли буйруғига асосан Абдуллин Руслан Рашидович Коррупцияга қарши курашиш ички назорат хизмати бошлиғи лавозимига тайинланган. Шу билан бирга, Бошқарув раисининг 2025 йил 14 май кундаги 373/SH-сонли буйруғига асосан Коррупцияга қарши курашиш ички назорат хизмати мутахассис лавозимига Зикриллаева Нодира Ахмедовна тайинланган.

Шу билан, Коррупцияга қарши ички назорат хизмати ходимларни иш малакаларини ошириш мақсадида коррупцияга қарши махсус ўқитиш

курсларида доимий малакаларини ошириб борилмоқда.

Жумладан:

Жорий йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги билан ўқув амалий семинарлар ўтказилган. Жамият томонидан жами 5 нафар ходимлар қатнашган.

2025 йил 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда БМТнинг наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш минтақавий бўлими томонидан "Центрально-Азиатской сети добропорядочности бизнеса" (CABIN) мавзусида онлайн ўқув-семинари бўлиб ўтган, семинарда 3 нафар ходимлари иштироки таъминланган.

Шунингдек 2025 йил 1 апрел куни UzAssets АЖ ҳамда Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида "Буюк Британия томонидан қўлланилган санкцияларни тушуниш ва тўғри қўллаш" мавзусида онлайн ўқув-семинарлар ўтказилган ва жами 7 нафар ички назорат ва бошқа тузилмалар ходимлари иштирок таъминланган.

Жорий йилнинг 1 июл кунидан 4 июл кунига қадар "CERT академиясида" ISO 37001:2025 стандарт бўйича махсус ўқув курси ўтказилган. Махсус ўқув курсида "Uzbekistan Airways" АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларидан жами 15 киши иштироки этилган. Махсус ўқув курсида одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакалари оширилган. Махсус ўқув курси якунига қадар жами 15 киши ISO 37001:2025 стандарт бўйича сертификатларга эга бўлишган.

Шунингдек, жорий йилнинг сентябр ва декабр ойларида Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида коррупциявий хавфи юқори даражада бўлган лавозимларни бажарувчи бўлинмалар учун махсус онлайн ўқув курслари ўтказилган. Махсус ўқув курсида "Uzbekistan airways" АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларидан жами 26 кишини иштирок таъминланган. Махсус ўқув курси якунида 26 киши сертификатларга эга бўлишган.

Агентлик томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш" лойиҳаси доирасида ISO 37001:2016 коррупцияга қарши менеджмент тизими стандартидан келиб чиқиб Бошқарув раисининг 2024 йил 1 ноябр куни 673-сонли буйруғи ишлаб чиқилган. Ташкилотда коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этувчи 7 та намунавий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан:

"Uzbekistan Airways" АЖ Кузатув Кенгашнинг 2025 йил 29 октябр кунисидаги 6-сонли баённома билан "Uzbekistan Airways" АЖ "Манфаатлар тўқнашувини бошқариш" бўйича Низом тасдиқланди. Шу билан бирга "Uzbekistan Airways" АЖ Кузатув Кенгашнинг 2025 йил 29 октябр кунисидаги 6-сонли баённома билан "Uzbekistan Airways" АЖ "Коррупцияга қарши

курашиш сиёсати” Низоми тасдиқланди.

Жамият ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар ишчи ходимлари томонидан коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти (*Кузатув кенгашининг 22.01.2024 йилдаги 47-сонли буйруғи билан тасдиқланган*);

“Uzbekistan airways” АЖнинг Одоб-ахлоқ кодексини амалга киритиш тўғрисидаги Низом (03.02.2025 йилдаги 79-сонли буйруғи).

Жамиятда Манфаатлар тўқнашувини ҳар йили декларациялашни ўтказиш тўғрисида “Uzbekistan Airways” АЖ локал ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш мақсадида (*Бошқарув раисининг 2025 йил 24 декабр кундаги 990-сонли буйруғи тасдиқланган*) қабул қилинган.

Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “Uzbekistan airways” АЖга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Методикаси Бошқарув раисининг 2025 йил 6 март кундаги 151-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Шунингдек, Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган қуйидаги 6 та алоқа каналлари мавжуд:

- 1) anticorruption@uzairways.com электрон почта манзили;
- 2) Telegram messengeridagi @compliance_control_uzairways канали;
- 3) “Facebook” ijtimoiy tarmog'idagi <https://facebook.com/uzairways.official> расмий саҳифаси;
- 4) +998(78)140-02-00 raqamli Yagona Aloqa markazi (қўшимча рақам “6”);
- 5) +998(78) 140-45-68 рақамли ишонч телефон;
- 6) +998(78) 140-46-57 рақамли ишонч телефон;
- 6) +998(90) 998-15-06 рақамли ишонч телефон.

Жамиятнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, шунингдек, Коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати ҳамда Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибий тузилмасига кирувчи ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Хавф-хатарлари камайтириш мақсадида юқори хавфли лавозимларда ишлаб келаётган ходимларни Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида махсус онлайн ўқув курсларида ўқиши таъминланган. Шу билан бирга коррупцияга қарши курашиш мавзусида тарғибот тадбирлари ва материаллари, Авиакомпаниянинг расмий веб-сайтларида видео роликлар жойлаштирилган.

Хавф-хатарлари юқори бўлган бўлимларда мониторинг ва назорат тадбирлари амалга оширилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2025 йил хисобидан барча ишга янги қабул қилинаётган ходимлар билан одоб-ахлоқ ва ички меҳнат қоидалари, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациясини тўлдириш, шунингдек Авиакомпаниянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўрганиш бўйича умумий ўқитишлар амалга оширилган ва ҳар бир ходим ушбу ҳужжатлар билан танишганлик юзасидан имзо чекишган.

Шу билан бирга, Авиакомпанияда ишлаб чиқилган ҳар бир янги ҳужжат

Авиакompаниянинг электрон библиотекасига жойлаштирилган ва ушбу ҳақидаги маълумот Авиакompания ходимларининг ҳар бирининг корпоратив электрон почтасига “ҳужжат билан танишинг” деган хабарнома шаклида юборилиб келинмоқда.

“Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналарда контрагентларни мажбурий текширувдан ўтказиш бўйича Йўриқнома (Бошқарув раисининг 15.12.2022 йилдаги 834-сонли буйруғи билан тасдиқланган), шунингдек, Жамиятда давлат харидларини ўтказиш тартиби (Бошқарув раисининг 27.07.2021 йилдаги №300 сонли буйруғи билан тасдиқланган) қабул қилинган.

2025 йил якуни бўйича Комплаенс-назорат хизмати томонидан жами 1527 та контрагентлар белгиланган тартибда текширилган шундан 746 та жамият ва ҳўжалик ўртасидаги тузилган шартномалар, 294 та импорт шартномалар тузилган, чет элдаги ваколатхоналар томонидан 307 та шартномалар тузилган ҳамда агентлар томонидан йўловчилар ва юк ташиш учун тузилган шартномалар 180 тани ташкил этган. Шартномалар электрон реестр орқали юритилиши таъминланган. Текширувлар натижасида тузилган шартномаларда манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳолатлар аниқланмаган лекин, молиявий нуқтаи назардан 9 та шартномалар муофиқ эмаслиги аниқланиб, шартнома тузилиши бекор қилинган.

Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (18.10.2023 йилдаги 690-сонли Бошқарув раисининг буйруғи билан тасдиқланган) асосида ходимларни ишга қабул қилишда Жамиятнинг расмий веб-сайти орқали эълон бериш ва очиқ танлов асосида номзодларни ишга қабул қилиш тизими мавжуд.

<https://corp.uzairways.com/ru/vacancy?page=0>

<https://www.uzairways.com/ru/aviakompaniya-uzbekistan-airways-obyavlyaet-nabor-bortprovodnikov>

Шунингдек, Иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаларига коррупцияга йўл қўймаслик бўйича мажбуриятларга оид қоидалар киритилган, шунингдек, алоҳида журналда ходимларга имзо қўйдириб, таништирилган.

Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни 2025 йилнинг якуний ҳисобот даврида Авиакompания очиқ танлов асосида бўш ўринларни тўлдириш юзасидан эълонлар берилган, Жамиятга 1791 нафар номзодлар ҳужжатларни топшириб, ўрганиш ва текширувлар натижасида 577 нафар номзодларга ижобий ҳулоса берилган. Шу билан бирга 2025 йилнинг якуний ҳисобот даврида Жамиятда 55 нафар ходимлар турли лавозимларга ротациялар амалга оширилган.

2025 йил якуний ҳисобот даврида жамиятнинг 114 нафар ходимига нисбатан одоб-аҳлоқ қоидалари ва ички тартиб-қоидаларни бузганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилган, шу жумладан, улардан 45 нафарига интизомий жазо тариқасида “хайфсан” берилган, 69 нафарига интизомий жазо тариқасида “жаримага” тортилган.

2025 йилнинг якуний ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича ишчи ва ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Хусусан, семинар, маърузалар ва давра суҳбатлар жами 25 та ўтказилган ва ушбу тадбирларда 1540 нафар ишчи ходимлар иштирок таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 931-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарор ижросини самарали ташкил этиш мақсадида “Uzbekistan Airways” АЖ Бошқарув раисининг 2025 йил 24 декабр кунидаги 990-сонли буйруғига асосан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларацияларни тўлдириш ишлари ташкил этилган. Комплаенс-назорат хизмати томонидан 2025 йил якуни бўйича манфаатлар тўқнашуви бўйича декларацияларни тўлдиришда жами 577 нафар Авиакомпанияга янги ишга қабул қилинган номзодлар ҳамда бошқа тузилмалардан ўтказилган ходимларнинг тўлдиришлар амалга оширилган.

Комплаенс-назорат хизмати томонидан ўрганишлар давомида Авиакомпания тизимида 16 та манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб, шулардан, 1 та ходимга нисбатан меҳнат шартномаси бекор қилинган, қолган 15 нафар ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ комиссия хулосалари чиқарилган.

Хавф-хатарларни баҳолашда Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 январ куни ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 май куни ПҚ-240-сонли “Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга асосан Жамият тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари бўйича Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган таркибий бўлинмаларининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни минималлаштириш чора-тадбирлар харитаси ишлаб чиқилган;

Комплаенс нazorat хизмати томонидан 2026 йил учун амалга ошириладиган ишлар режалари қўйидагилардан иборат:

1. Коррупцияга қарши курашиш доирасида ISO 37001:2016 менеджмент тизими стандартидан келиб чиқиб Авиакомпанияга сертификатга эга бўлиш мақсадида, қўшимча тегишли ҳужжатлар ва чора тадбирлар жорий йилда амалга ошириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрел кунидаги ПҚ-147-сонли “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Жамият ва унинг тизимида қирувчи ташкилотларда ички назорат хизматида мавжуд вакант лавозимларни конкурс асосида тўлдириб бориш.

3. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувига оид декларацияларнинг тўлдирилиши ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини таҳлил қилиб, аниқланган ҳолатларни Одоб-ахлоқ комиссиясига маълумотлар киритилиб бориш;

4. Ходимларни коррупциявий хавф-хатарга юқори бўлган лавозимларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича билим, малака ва кўникмаларни ошириш бўйича Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида ўқитилишини тизимли йўлга қўйиш;

5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши ҳолатини доимий таҳлил қилиб бориш;

6. Авиакомпания томонидан давлат харидларни амалга оширишда контрагентларни текширувини сифатли амалга ошириб бориш, мақсадида янги тахрирда ишлаб чиқилган 259-сонли Фармон асосида текширувларни ташкилаштириш;

7. Жамиятда коррупцияга мойил соҳа ва йўналишларни ва хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш.

8. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси билан биргаликда вакант лавозимларга очиқ танловларда иштирок этиш ва тайёрланган танлов баённомаларни расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш.

9. Жамият ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича келиб тушган мурожаатлар юзасидан хизмат текширувларни ташкил этиш, натижаси бўйича ва содир этилган ҳолатлардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва ҳукуқий ҳужжатлар асосида деярли чоралар кўриб чиқиш.

10. 2025 йил 30 декабр кунидаги ПФ-270-сонли “Ўзбекистон Республикаси коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини самарали бажариш.

11. Жамиятнинг Ички аудит хизмати билан биргаликда бюджет маблағларидан фойдаланиш ва давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича тизимли чоралар кўриб бориш.

Комплаенс-назорат хизмати

 **А.А.Абдувахабов**

Ижрочи: Ж.Рустамов
Тел: 140-45-68

Uzbekiston, Toshkent, Amir Temur shoh ko'chasi, 41 GSP-100060	Uzbekistan, Tashkent, 41, Amir Temur avenue GSP-100060
---	--